



ЯНГИЛАНАЁТГАН ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ТАЛАБАЛАР ИЛМИЙ ФАОЛИЯТИ: МУАММО, ТАҲЛИЛ ВА ТАНҚИД

Илмий раҳбар: Жумаева Ш.Б.

*Чирчиқ давлат педагогика университети “Ўзбекистон тарихи” кафедраси
мудури, т.ф.ф.д. (PhD)*

Жўраев Арслон Ашур ўғли

Чирчиқ давлат педагогика университети талабаси

Телефон рақам: +998998463303

Аннотация: Мақолада муаллиф томонидан бакалавр таълим босқичи талабаларининг илмий фаолиятини ташкил этиш тўғрисида таҳлилий маълумотлар келтирилган.

Калит сўзлар: Таълимий ислохотлар, илмий ва илмий-педагогик ёндашув, назарий қарашлар, “Устоз-шогирд” тизими, педагогик маҳорат, ўқув қобилияти, ақлий билиш кўникмаси, ижтимоий ҳамкорлик.

Олий таълим тизимидаги ислохотлар бугунги кунда мавзу ва йўналиш аура (доира)ларининг кенг қатламини қамраб олаётганлиги билан аҳамият касб этиб бормоқда. Бу ислохотлар вазирлик, идора вакиллари, олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчилари билан баробар равишда талабаларнинг аралашувини ҳам таъминлаётгани ҳеч кимга сир эмас. Ушбу таъминлов талабалардан нафақат маънавий-маърифий, ижтимоий-сиёсий, балки илмий соҳаларда ҳам узлуксиз изланишда бўлишни тақозо этмоқда.

Бугунги кунда талаба учун илмий фаолият нима учун керак? Ушбу фаолият доирасидаги камчиликлар қай даражада ўз ечимини топмоқда? Илмий фаолиятни ташкил этишдаги нуқсонлар долзарблиги қандай?

Ўзбекистон Республикасида илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантиришнинг асосий мақсади - мамлакатимизда илмий салоҳиятни ошириш, олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари, жумладан, талабаларнинг илмий тадқиқот фаолияти самарадорлигини ошириш, жаҳон таълим ресурслари, замонавий илмий адабиётларнинг электрон каталоглари ва маълумотлар базаларига кириш имкониятларини яратиш, шунингдек, ривожланган мамлакатларнинг илғор тажрибасини чуқур ва танқидий ўрганган ҳолда мамлакатимиз иқтисодиётини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг янги босқичига олиб чиқишдан иборат.

Талабанинг илмий фаолияти – маълум бир йўналиш доирасидаги узоқ ёки нисбатан қисқа давр мобайнидаги илмий изланиш фаолияти. Бу жараён профессор-ўқитувчи ва талаба ўртасида ечим излаш ёки номаълум нарсани тушунишда ўзаро муносабатларнинг ижодий жараёни бўлиб, улар давомида маданий қадриятлар ўзаро узатилиши, натижада дунёга, бошқаларга ва ўзига



нисбатан тадқиқот позициясининг ривожланиши, шунингдек, дунёқарашни ривожлантириш тушунилади.

Талабанинг илмий фаолиятидаги учраётган айрим камчиликларни иккита катта гуруҳга:

- I. **Бевосита талабанинг ўзида учрайдиган камчиликлар;**
- II. **Ташқи омиллар сабабли келиб чиқадиган камчиликлар.**

Талабанинг бевосита ўзида учрайдиган камчиликларни ҳам бир неча бўлимга тармоқлаш мумкин:

1. **Талаба ўз қизиқишлари (ҳоббийси), истеъдоди, билим доирасига қараб йўналиш танламаслиги** – бунда талаба ўз қизиқишлари доирасида йўналиш танламаслиги оқибатида маълум муддатдан сўнг ўз касбидан кўнгли совийди. Фаолияти давомида қониқиш ҳиссини туймайди. Бунинг ортидан эса ўша соҳа доирасида ютуқ даражотига (янгилик ва инновацияларга) эриша олмайди. Соҳаси ривожига маълум даражадаги ҳиссани кўша олмайди деб бемалол айтиш мумкин. Бугунги кунда 1-босқичга қабул қилинган талабаларнинг асосий қисми ўрта мактабни тамомлаган ўқувчилар эканлигини инобатга олсак, унга маслакдош зарурулиги моҳиятан масаланинг долзарблигини юзага чиқаради. Бу маслакдош ўз курсдоши, бугунги кундаги тьютор, профессор-ўқитувчилардан тортиб, кафедра мудирини, декан (ва унинг тегишли соҳа ўринбосарлари) ва раҳбариятнинг бошқа табақалари ҳам бўлиши мумкин. *(Бу хусусда кейинги гуруҳларда батафсил маълумот берилади).*

2. **Талаба ҳар соҳада ўзига мос келадиган устоз билан шуғулланмаслиги.** Олий таълимга қабул қилинган ўз қизиқишлари, билим доирасидан келиб чиқиб йўналиш (умумий маънода) танлаган талабага аввало, тўғри йўл (илмий йўналиш(лар)да) кўрсатадиган, қобилиятларини (ақл (билим) ва кучини) тўғри ва самарали йўналтира оладиган устоз (юқорида айтиб ўтганимиздек, ўз курсдоши, бугунги кундаги тьютор, профессор-ўқитувчилардан тортиб, кафедра мудирини, декан (ва унинг тегишли соҳа ўринбосарлари) ва раҳбариятнинг бошқа табақалари бўлиши шарт деб изоҳлаш мумкин. **“Устоз кўрмаган шогирд ҳар мақомга йўрғалар”** деган нақл халқ орасида оммалашгани бежиз эмас, албатта. Талабанинг айнан устози билан амалга оширадиган (шу ўринда, ҳар қандай фаолияти)да устоз салмоқли ўрин тутиши - исбот талаб қилмайдиган ҳақиқат. **Устоз билан ишланган ҳар қандай иш пухта, чуқур ўйланган, мазмундор ва сифатли** тайёрланади. Устоз раҳбарлигидаги тадқиқот фаолияти натижасида ўз-ўзини ривожлантириш, ўзини ўзи билиш ва ўз-ўзини тарбиялаш мўъжизаси пайдо бўлади. Устоз ва талаба ўртасидаги ижодий ҳамкорлик, мавзу-субъект муносабатлари, маънавий яқинлик ва биргаликда ижод қилиш муҳити доимий равишда такомиллашиб боради. Устоз томонидан талабалар учун энг катта психологик қулайликни ва уларнинг шахсий эҳтиёжлари ва қобилиятларига мувофиқ интенсив ривожланиш имкониятларини таъминлайдиган шароитларни яратиш ҳам



долзарбдир. Талаба билан амалга ошириладиган фаолиятга устозининг ўрни ҳақида ортиқча изоҳ билдиришга ҳожат йўқ.

3. Талабанинг илмий фаолиятини ташкил этиш ва уни тизимли равишда олиб боришда аниқ режа, мақсад ва мажбуриятларини белгилаб олмаслиги (ёхуд ушбуларни бажаришда дангасалик қилиш). Ҳар қандай иш (фаолият), амалга ошириши мўлжалланган хатти-ҳаракат, алалхусус, маълум тартибдаги режалар асосида амалга оширилиши зарур. Ҳар бир ишни режа-график асосида амалга ошириш яхшигина самара беради. Режа ва уни тузиб олиш иш коэффисиентига ижобий таъсир кўрсатибгина қолмай, тартибли равишда иш юритиш, фаолият кўрсатишга ҳам замин бўлади.

Келинг, ушбу камчилик турини қуйидаги жадвал асосида тушунтириб ўтамиз.

Т/р.	Амалга оширилиши бўлган фаолият номи	Амалга олиши керак бўлган фаолият сони	Амалга олиши керак бўлган фаолият вақти	Амалга оширилиши бўлган фаолият каси
1.	Мақола	2	20 кун	ҳалқаро
2.	Тезис	1	7 кун	миллий
3.	Монография / услубий нарма	1	6 ой	миллий
4.	Газеталарда иштирок	1	1 ой	вилоят миқёсида
5.	Ижод намуналари / илмий тадқиқотга оид бошқа турдаги китоблар	1	7 ой	миллий

Ушбу жадвал маълум тартибда, қатъий ўрнатилган қоида сифатида тушунмаслик керак. Талаба ўз имконият (ақлий ва билим, моддият)идан келиб чиқиб, хоҳлаганча ўзгартириш киритиши мумкин.

Бундай режаларни тузишда мажбуриятларни ҳам инобатга олиш зарур. Талаба кўп бўлмаган ҳолатда илмий фаолиятдан оғишадиган (дангасалик қиладиган) бўлса, фаолиятдан ўзи билмаган ҳолатда четлашиб кетиши мумкин. Бундай салбий қоибатларнинг ўрнини ҳеч қандай омил билан тўлдириб бўлмайди. Устознинг бу режа-графикка билвосита алоқадорлигининг таъминланиши, вазифаларга мувофиқ бажарилишни назоратга олиш зарур.

4. Ўз илмий фаолиятига мувофиқ янгиликлар (оффлайн – газета, журнал; онлайн – ижтимоий тармоқнинг ҳар қандай тури)дан хабардор бўлмаслиги. Талабанинг ўз илмий фаолиятида йўл қўядиган камчиликларидан яна бири ўз соҳасига оид қонун ҳужжатлари, умуман олганда, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардаги ўзгариш ва қўшимчалар юзасидан беҳабар қолиш ҳам талабанинг яхшигина “оёғидан тортийти”. Бундай ҳолатлар (беҳабар қолиш) га қарши қайсидир маънодаги “курашиш”ни таъминлашда:

- 1. Интернет манбалари;**
- 2. Ижтимоий тармоқлар асосий манба бўлиб хизмат қила олади.**



Айнан профессор-ўқитувчи тадқиқот фаолияти шакллари ва шартларини белгилайди, бунинг натижасида талаба ҳар қандай муаммога ижрочи ва ижодий позициядан ёндашиш учун ички мотивацияни шакллантиради. Талабанинг илмий фаолияти айнан профессор-ўқитувчилар билан елкадош равишда илм билан шуғулланиши, бир неча муддатдан сўнг ўзида амалий ва назарий кўникмаларининг шаклланиб бориши, келажакдаги ўз илмий фаолияти учун фундамент (асос) вазифасини ўтайди. Тадқиқотчи талабанинг тадқиқотчи сифатида максимал даражада амалга ошириладиган ғояга йўналиш, унинг интеллектининг энг яхши томонларини, тадқиқот қобилиятларини очиб бериши ва янги, фойдали билим, кўникма ва малакаларни эгаллашига сабаб бўлади. Талабанинг илмий фаолият билан шуғулланиши илмга бўлган қизиқишини орттиради, балки **“Устоз-шогирд” тизими**даги ишларни ҳам такомиллаштиришга ёрдам беради.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш лозимки, қабул қилинаётган қарор ва фармонларнинг моҳиятида юртимизнинг келажакини янада юксалтириш учун, мамлакатимизни ривожланган мамлакатлар қаторига қўшиш учун асосий куч илм-фанда эканлигини яна бир исботидир. Шундай экан, илмий фаолият билан нафақат профессор-ўқитувчилар, олимлар, балки, талабалар ҳам ўз фаолиятининг ажралмас қисми сифатида ташкил эта олса, ўйлаймизки, қонун ҳужжатларида кўзланган мақсадга тезроқ эришамиз. Университет талабаларининг илмий-тадқиқот ишлари икки йўналишда олиб борилиши, улардан бири ўқув жараёнининг маълум қисми сифатида ўқув режалари, календар режалар ва дастурларга киритилиб, барча талабалар учун мажбурий ҳисобланган ўқув-тадқиқот ишлари ҳамда кейинги йўналиш - ўқув режаларидан ташқари, машғулотлардан бўш вақтда иқтидорли талабалар йўли билан тўғарақларда, кафедра қошидаги илмий лабораториялар, клубларда ташкиллаштирилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Хулоса ўрнида *айтиб ўтиш жоизки*, талабалар илмий-тадқиқот ишларининг мазмуни ва тизими илмий-тадқиқот тадбирлари ва шакллариининг ўқув жараёни қонуниятларига мувофиқ равишда мутассил бўлишини таъминлайди. Бу ўз навбатида илмий-тадқиқот ишлари шакл ва усуллариининг курсдан курсга, кафедрадан кафедрага, бир фандан иккинчи фанга, бир хил машғулотлардан бошқа хил машғулотларга изчил тартибда ўтиб боришини, талабалар илмий ишларни бажариш жараёнида ўзлаштирадиган билим ва малакаларнинг ҳажми аста-секин кўпайиб ва мураккаблашиб боришини таъминлайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

❖ Turg'unpo'latov D. R. Globallashuv jarayonida talaba-yoshlarning intellektual imkoniyati: muammo, taklif hamda yechimlar. *Xalqaro ilmiy-onlayn konferensiya*. (pp. 156-158), 2021.



❖ Турғунпўлатов Д. Р., Абдуллаева О.О. Ўқув жараёнининг самарадорлигини оширишда интернет тармоқлари орқали коммуникатив таълим дарсларни ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари «ЎЗМУ хабарлари» Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети илмий журнали. 2022, 1/6/1, 27-29-б.

❖ Turg'unpo'latov D. R., Mo'ydinov Q.A. Maktab o'quvchilarning kreativ fikrlashini rivojlantirishda o'ziga xos uslub hamda imkoniyatlar (sodda va qo'shma gap mavzusi (9-sinf) misolida) «*Central Asian academic journal of scientific research*». 2022, 2(7), 93-97-b.

❖ Davurova G.A. Talabalarning faoliyatida o'qituvchining o'rni. Taъlim va innovatsion tadqiqotlar (2021 йил махсус сон). 243-246-b.